

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси қошидаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси (бундан кейин "Комиссия" деб аталади) адабиёт, санъат, фан, таълим, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалардаги энг нуфузли арбоблардан, ижодий уюшмалар ва жамоат ташкилотлари ҳамда маданият муассасаларининг таниқли вакилларидан ташкил топади ва унинг таркиби ҳар тўрт йилда учдан икки қисми янгиланиши назарда тутилган ҳолда тасдиқланади. Мазкур комиссия аъзолари жамоатчилик асосида ишлайдилар.

2. Комиссия ишига Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг раиси раҳбарлик қилади.

3. Комиссияга Зулфия номидаги Давлат мукофотини олиш бўйича таклифларни ушбу мукофот тўғрисидаги низомга қатъий мувофиқ ҳолда кўриб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори учун зарур бўлган таклифларни тайёрлашга доир барча ишлар юкланади.

4. Комиссия:

а) Зулфия номидаги Давлат мукофотига тавсия этилган талабгорларнинг хужжатларини қабул қилади;

б) талабгорлар рўйхати, уларнинг ибратли фаолиятлари, асарлари ҳақидаги маълумотларни тавсия этган ташкилотларни кўрсатган ҳолда, мукофот берилишидан икки ой олдин республика оммавий ахборот воситаларида эълон қилади;

в) Давлат мукофотига тавсия этилган талабгорларнинг фаолияти, асарларининг жамоатчилик томонидан кенг ва ошқора муҳокама қилинишини ташкил этади, уларнинг жамоатчилик ва мутахассислар томонидан ҳолисона баҳоланишига кўмаклашади;

г) Давлат мукофоти юзасидан тушган таклифларни ўрганиб чиқиб, мукофотларни бериш тўғрисидаги қарорларини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади;

д) Давлат мукофоти совриндори ёрлиқларини, фахрий нишонларини расмийлаштиради ҳамда уларни топширишни ташкил этади, шунингдек, мукофотлар пулини тўлашни амалга оширади.

5. Комиссияга қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

а) Давлат мукофотига тавсия этилган талабгорларнинг фаолияти, асарларини олдиндан кўриб чиқиш, улар юзасидан хулосалар тайёрлаш учун пул тўлаш йўли билан мутахассис-экспертларни таклиф этиш;

б) Давлат мукофотини олишга тавсия этилган талабгорларнинг ибратли фаолиятлари ва ижодий ишларига доир материалларни тегишли ташкилотларга экспертларнинг кўриб чиқиши учун юбориш;

в) мукофотга тавсия этилган талабгорларнинг фаолияти ва ижоди билан жойларда танишиш учун комиссия аъзоларини, экспертлар ёки эксперт комиссияларини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга юбориш.